

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Навоний вилояти Баркамол авлод
болалар мактаби директори**



М.Рахматовага

2022 йил

Навоний вилояти Баркамол авлод болалар мактаби биносини жорий
таъмирлаш ишлари объекти бўйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

1. ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

1. Танлов предмети ва қиймати .

1.1. Танлов предмети Навоий Баркамол авлод болалар мактаби биносини жорий тамирлаш ишларини бажариш

1.2. Танлов охирги қиймати 419847803 сўм (турт юз ун туккиз миллион саккиз юз кирк етти минг саккиз юз уч сўм.) Ушбу қийматдан ортик маблағлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилади.

1.3. Бажариладиган

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кунидан бошлаб 5 кун

1.5. Ишларни бошлаш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2 ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Навоий Баркамол авлод болалар мактаби (бундан кейин Буюртмачи деб аталади) Танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2 Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов “Навоий Баркамол авлод болалар мактаби томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда , белгиланган муддатларда ўтказилади

3 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларини беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий ва ваколатлар;

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50фоиздан кам бўлмаган ҳолдв):

Низом маблағи миқдори;

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка буноан лицензиялаштирилиши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсад этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди. Қайта ташкил этилган (ажратилиши қўшилиши) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар , ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд.

4 ТАНЛОВДВ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон курунишда (etender.uzex.uz) порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифтлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура Ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

-Техник қисм "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

-нархлар қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар кўрсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифтларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухир билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулиқ жавобгар булади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга

5 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭИШ УЧУН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахбарот порталида жойлаштирилиши лозим.

6 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳўлиб иштирокчидаб топилгандан сўнг конуничиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун илдин қарор қабул қилишга ҳақли. Таварни ўзгартиришга йул койилмайди. Буида ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахбарот ўзгартирилган булса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритиладию

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларниг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахбарот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушутиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифлар кўрсатилган шартлар асосида тузилади